ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 17 (244) | 2001 йил 25 апрел, чоршанба | Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган | Сотувда эркин нархда

ХАЛҚАРО ҲАЁТ ПАНОРАМАСИ

● **Россия ички ишлар вазирлигининг масъул ходими Валерий Жабскийнинг хабар беришича мамлакатда ноқонуний йўллар билан амалга ошириладиган қимматбаҳо металлар савдоси ва уни олиб чиқиб кетиш ҳоллари ошиб бормоқда. Ўтган йили четга олиб чиқиб кетилаётган 350 кг олтин, 960 кг кумуш, 19749 карат бриллиант ушлаб қолинган ва шулар юзасидан 2017 та жиноий иш қўзғатилган. Жорий йилнинг биринчи чорагида юқоридаги масалалар бўйича 740 та иш ўрганилмоқда.**

***

● Стамбул меҳмонхоналарининг бирида рўй берган инцидент мамлакат иқтисодиётига жиддий зарар етказиши мумкин. Чунки Туркияга ҳар йили 10 миллиондан ортиқ сайёҳлар ташриф буюрадилар. Кейинги вақтда бундай нохуш воқеаларнинг рўй бераётганлиги халқаро ташкилотларни ташвишга солмоқда.

***

● **Италияда нашр этиладиган «Республика» газетасида босилган материалга таяниб «Озодлик» радиосининг хабар беришича, Италия орқали Хорватияга етказиб бериш учун мўлжалланган қурол-яроғларнинг катта бир партияси қўлга туширилган. Улар орасида 30 минг Калашников автомати, 10800 пулемёт 50 мингдан ортиқ танкка қарши ишлатиладиган қуроллар топилган. Бу ишни Россия ва Украина мафия гуруҳлари амалга оширган деб гумон қилинмоқда.**

***

● Кейинги кунларда Туркия қамоқхоналарида очлик эълон қилиб унинг оқибатида вафот этаётган маҳбусларнинг сони тобора кўпаймоқда. Яқинда 24 ёшли бир аёл 130 кун, 30 ёшли иккинчи бир аёл эса 160 кунлик очликдан сўнг бу дунё билан хайрлашганлар. Сўнгги маълумотларга қараганда шу ваздан ўлганлар 26 кишига етган.

***

● **БМТнинг берган маълумотларига қараганда Ҳирот атрофидаги қочоқлар лагерларидаги кишиларнинг сони кейинги кунларда яна 40 минг нафарга ошган. Бу ерга кунига ўрта ҳисобда мингта яқин очлик гирдобига тушган, бошпанасиз қолган аҳоли келиб қўшилмоқда. Январ, феврал ойларида бундай ҳол кузатилмаётган эди. Афтидан куннинг исиб бораётганлиги аҳолини четдан келаётган инсонпарварлик ёрдами билан қорнини тўйғазишга бўлган интилишини кучайтириб юборган.**

***

● «Озодлик» мухбирининг хабар беришича Қирғизистон ҳозир МДҲ давлатлари орасида аҳолиси энг қашшоқ мамлакатлар сирасига киради. Бу ерда ҳукумат соғлиқни сақлаш ишларига ҳам етарли маблағ ажрата олмаяпти. 10 йил ичида республикага бирорта ҳам янги медицина аппаратлари келтирилмаган. Соғлиқни сақлаш муассасаларидаги мавжуд асбоб-ускуналарнинг 30 фоизи умуман яроқсиз ҳолда, қолгани ҳам талаб даражасида эмас. Масалан, анкология марказидаги лазерь аппаратининг ишлатиш муддати уч марта ўтиб кетган.

***

● **Кеча Эронда фаластинликларни қўллаб-қувватлашга бағишланган анжуман иш бошлади. Бу йиғилишга 30 дан ортиқ мусулмон давлатларининг вакиллари қатнашмоқдалар.**

ИСТИҚЛОЛ ВА МАҲАЛЛА

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Маҳалла раислари ва уларнинг маслаҳатчилари вазифасига сайланадиган номзодларни танлаш, сайлаш жараёни ҳам тўла демократик, эркин, холис тарзда кечишини таъминлаш шарт. Қирқ йиллик жамоатчилик тажрибасидан биламанки, халқ маҳалласининг "отасини" танлашда ҳеч вақт адашмайди. Ҳар жиҳатдан комил, ақлли, руҳияти тетик, айни вақтда ўзига тўқ, одамларга фойдаси тегадиган, иложи борича билимли, жуда бўлмаса уққан, тоза инсонни танлайди, улар хоҳламаган тақдирда, савоб йўлида, Оллоҳ ризолиги учун рози бўлишга кўндиришади. Ёнида камарбаста бўлиб туришади.

Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, мустақиллик, эркинлик даврида жамоатчи кадрлар таркиби ҳам ўзгариб, номзодларни танлаш борасида ҳам замон таъсири сезиляпти. Бу фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарларининг кадрлар таркиби аста-секин яхши, ижобий томонга ўзгаришида кўринмоқда. Аниқроқ қилиб айтганда, аввало, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари орасида ёш, ғайратли, ташкилотчи, тадбиркор кишилар сони ортиб бормоқда. Маслаҳатчилар ўртасида ҳам худди шундай ҳолатни кўриш мумкин. Ўйлайманки, раиснинг ёшлардан яна бир муовинини сайлаш таклифи қўллаб-қувватланади. Агар рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳрида олий маълумотли йиғин раислари 69 фоизни, Навоий вилоятида 87 фоизни ташкил этади. Мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида ҳам шундай ҳолатни кўрамиз. Аниқ-равшанки, номзодларни танлаш ва уларни маҳалла йиғини раиси ва маслаҳатчилиги вазифасига тавсия этиш ғоят демократик равишда, қатъият ва талабчанлик билан тартиб топган амалиёт асосида амалга оширилади. Бунда маҳаллада яшовчи жамоатчиликнинг фикри холис одамлардан тузилган комиссиялар томонидан ўрганилади, фикрлар бўлинса, сўров ўтказилади, уларнинг ишчанлик, элсеварлик ва бошқа фазилатлари ҳисобга олинади. Агар номзод навбатдаги муддатга тавсия этилаётган бўлса, маҳаллада ишлаган даврида амалга оширган ишлари ҳар томонлама таҳлил этилиб, арзигулик бўлса ҳисобга олинади.

(Боши аввалги сонларда)

(Давоми 3-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига мувофиқ қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорининг ижроси Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви, бўлим ва бўлинмалари зиммасига ҳам ўз Низомий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда катта маъсулият юклайди. Куни кеча Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши шу вазифаларни йўлга қўйиш борасида ўз раёсат қарорини қабул қилди.

ЎЗБЕКИСТОН ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИ РАЁСАТИДА

Раёсатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг Қарори билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ҳисобот-сайлов ўтказилишида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича вилоят, туман, шаҳар мувофиқлаштириш кенгашларининг масъуллиги таъкидланди. Унда кенгашнинг мазкур қарор ижросини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлари тасдиқланди. **(Мазкур чора-тадбирлар шу соннинг 2-саҳифасида эълон қилинмоқда.)** Ушбуни амалга ошириш борасида изчил фаолиятда бўлиши кўзда тутилган ҳолда Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ҳузурида ишчи гуруҳи тузилиб, унинг таркиби тасдиқланди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар Оқсоқоллар Кенгаши ҳузурида ҳам шундай гуруҳлар тузилиши тавсия этилди. Мазкур гуруҳлар тегишли ҳудудларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, маҳаллаларда сайловларни тайёрлаш ва ўтказишда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун талабларига ҳамда Олий Мажлис Кенгашининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига, бу борада Олий Мажлис томонидан тасдиқланган намунавий Низом кўрсатмаларига амал қилган ҳолда фаолият кўрсатадилар. **(Низом 2-саҳифада эълон қилинмоқда.)** Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш, сайловларни ўтиш жараёнларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб боришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ҳузурида Ахборот маркази тузилиб, унинг таркиби тасдиқланди.

АНЖУМАН

«МИЛЛИЙ ҒОЯ» – БИЗНИНГ ҒОЯ

Қашқадарё вилояти ҳокимлигида ана шу мавзуда амалий семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Республика байналминал маданият маркази мутахассисларининг «Истиқлол ғояларининг умуммиллий моҳияти», «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – миллий истиқлол ғояси ва истиқлол мафкурасининг асоси», «Миллий истиқлол мафкураси ва миллатлараро тотувлик масалалари» каби мавзулар бўйича маърузалар тингланди.

Анжуманда қайд этилдики, бугунги кунда атрофимизда буюк давлатчилик гегемонизми, диний мансублик, этник бирлик, собиқ ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий бирлик ва ҳоказо кўринишдаги ижтимоий-тарихий омиллар асосида жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олиш учун тинимсиз ҳаракатлар олиб борилаётган бир пайтда фақат кучли миллий мафкура - соғлом миллий ғоягина жамиятни ана шу тазйиқлардан муҳофаза қила олади.

Бунинг учун миллий истиқлол мафкурасининг Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон тарбияси, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби асосий ғояларни бутун маъно-моҳияти, фалсафаси, жозибаси билан халқимизнинг қалби ва онгига янада чуқурроқ сингдириш йўлида жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олиш, таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқотнинг самарали усул ва воситаларидан оқилона фойдаланиш кераклиги уқдирилди.

Семинар ишида вилоят ҳудудидаги ташкилот ва корхоналар, жамоат бирлашмалари ва жамғармалар, олий ўқув юртлари, академик лицей касб-ҳунар коллежлари, мактаблар раҳбарлари ҳамда уларнинг маънавият масалалари бўйича ўринбосарлари, тарих ва адабиёт фанлари ўқитувчилари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, миллий маданий марказлар, диний ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис қўмитаси раиси Акмал Саидов, вилоят ҳокими ўринбосари Назар Ҳакимов, Олий Мажлис депутатлари Исфандиёр Латипов, Фармон Омонов, Ғулом Мирзаев мазкур анжуманда, шунингдек, Қарши Давлат университети ҳузурида Конституцияни ўрганиш марказнинг очилиш маросимида ҳамда Касби тумани марказида ўтказилган сайловчилар билан учрашувда қатнашиб, йиғилганларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўтган йилги иш фаолияти, Олий Мажлиснинг бўлажак бешинчи сессияси кун тартибига киритилган қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, сессия муҳокамасига қўйилаётган бошқа бир қатор масалалар тўғрисида атрофлича ахборот бердилар.

Ўз мухбиримиз.

ТОШКЕНТДА КУРАШ БЎЙИЧА БИРИНЧИ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ

Ўзбек кураши бўйича 28-29 апрел кунлари Тошкентда бўлиб ўтадиган биринчи Осиё чемпионатида 16 мамлакатдан юзга яқин спортчи иштирок этади.

Халқаро кураш ассоциацияси раҳбарлигида ўтадиган мазкур халқаро мусабақанинг бевосита ташкилотчилари Осиё кураш конфедерацияси ва Ўзбекистон Миллий кураш федерациясидир.

Иштирок этувчи мамлакатлар рўйхатида Ҳиндистон, Бангладеш, Эрон, Мўғулистон, Непал, Қозоғистон, Шри-Ланка, Жанубий Корея, Хитой, Япония, Сингапур, Таиланд, Туркманистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон каби мамлакатлар бор.

Ўзбек кураши бундан уч йил бурун халқаро миқёсда расман тан олиниб, 1998 йилда Халқаро кураш ассоциацияси ташкил этилган эди. Ўтган қисқа давр ичида икки марта - Ўзбекистон ва Туркияда кураш бўйича жаҳон чемпионати ўтказилди. Шунингдек, Буюк Британияда ўзбек кураши бўйича катта мусобақа ташкил этилди.

Мазкур чемпионат ўзбек курашининг Осиё ёзги уйинлари, сўнгра олимпиада мусобақалари таркибига расмий спорт тури сифатида киришида муҳим аҳамият касб этади.

Чемпионат мусобақалари икки кун давом этади. 28 апрел куни мусобақанинг расмий очилиш маросимидан сўнг, «Юнусобод» спорт мажмуида 73, 81, 90 килограмм вазн тоифалари бўйича эркаклар, 29 апрелда эса вазни 63 килограммгача бўлган аёллар куч синашади.

ЎзА.

ФУТБОЛИМИЗ БУГУНИ ВА КЕЛАЖАГИ

Футболсеварлар кўнглига чироқ ёқилди. Ўзбекистон миллий терма командаси 2002 йил Ж. Корея ва Япония яшил майдонларида ўтказиладиган жаҳон чемпионати саралаш учрашувларини ишончли галаба билан бошлади.

Мустақиллигимизнинг 10 йиллигига бағишланган маҳалла болалари ўртасида анъанавий «Футболимиз келажаги» кубоги турнири 3 ёш тоифали 9 - 11 ёш, 12-14 ёш, 15-16 ёшдагилар ўртасида шу йилнинг апрел ойидан сентябр ойигача ўтказилади. Ҳозир ушбу мусобақанинг дастлабки босқичлари бошланди.

2-саҳифада

ЭЛЧУ СОННИНГ

2-саҳифасида:

● **Яхши оқсоқол бўлиш бир кишига - оқсоқолнинг ўзига, яхши оқсоқолни танлаш эса маҳалла - кўпчиликка боғлиқ масала.**

● **Футбол бўйича жаҳон чемпионати саралаш ўйинлари ва «Футболимиз келажаги» кубоги учун маҳаллалараро саралаш ўйинлари энди бошланди. Демак, ҳар икки йўналишда ҳам футбол қувончлари ва ташвишлари ҳали олдинда.**

3-саҳифасида:

● **Маҳалла - жамиятнинг кичик бўлса-да, ишончли қўрғони.**

● **Отга ишқи тушган ўғлоннинг довюрак бўлишига Шарофат хола кафолат беради.**

● **Билмасангиз, сўранг. Билиб оласиз!**

4-саҳифасида:

● **«Диёрингиз муқаддас, бу заминда улуғ азиз-авлиёлар ўтган» - эътироф этишди хорижликлар.**

● **«Қуйилиб қолган» отани фарзандлари қабул қилмадилар...**

● **Мусаввир Нодир Шоабдураҳимовнинг асарлари яхши шеърга, мумтоз қўшиққа, дилрабо куйга ўхшайди...**

MAHALLA

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Ҳомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Телефонлар: Хатлар бўлими: 136-53-75, масъул котиб: 136-53-75 ижодий бўлимлар — 136-53-82, Қабулхона — 136-53-93. Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИГА САЙЛОВ ЎТКАЗИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА НАМУНАВИЙ НИЗОМ*

1. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва раис маслаҳатчилари 2,5 йил муддатга сайланадилар.

2. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни ташкилий жиҳатдан юксак даражада, қонун ҳужжатлари талабларига риоя этган ҳолда ўтказиш, шунингдек сайловни ўтказишда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатиш ва аҳолининг сайлов тадбирларида иштирокини таъминлаш мақсадида сайлов даври учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш ва уни ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, туман ва шаҳар комиссиялари ҳамда фуқороларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни ташкил этиш ва уни ўтказиш бўйича посёлка, қишлоқ ва овул ишчи гуруҳлари, шунингдек шаҳардаги маҳалла, посёлка, қишлоқ ва овул ишчи гуруҳлари олдиндан тузилади.

3. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни ташкил этиш ва уни ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, туман ва шаҳар комиссиялари (бундан буён матнда комиссия деб юритилади) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, тегишли ҳокимларнинг қарори билан ташкил этилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни ташкил этиш ва уни ўтказиш бўйича шаҳарча, қишлоқ ва овул ишчи гуруҳи, шунингдек шаҳардаги маҳалла, шаҳарча, қишлоқ ва овул ишчи гуруҳи (бундан буён матнда ишчи гуруҳи деб юритилади) фуқаролар йиғини ёки унинг кенгаши қарори билан тузилади.

4. Комиссия таркибига, қоида тариқасида, фуқаролар йиғинларининг, тегишли халқ депутатлари Кенгаши, ҳокимлик, бошқа давлат бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ишлари бўйича мувофиқлаштириш кенгашлари, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва «Маънавият ва маърифат» Республика кенгашининг ҳудудий бўлинмалари, хотин-қизлар қўмитаси ва бошқалар)нинг вакиллари киритилади.

Ишчи гуруҳи таркибига, қоида тариқасида, фуқаролар йиғинининг вакиллари, ушбу фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг вакиллари, халқ депутатлари Кенгашларининг депутатлари киритилади.

5. Ишчи гуруҳи фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови бўйича йиғин ўтказиш куни, вақти ва жойини белгилайди, шунингдек фуқаролар йиғинида (вакиллар йиғилишида) қатнашувчиларнинг сонини аниқлайди.

6. Ишчи гуруҳлари фуқаролар йиғинининг номи, йиғилиш ўтказиш санаси, фуқаролар йиғинида қатнашувчиларнинг сони тўғрисидаги маълумотларни тегишли туман, шаҳар комиссияларига тақдим этади, ўз навбатида бу комиссиялар ҳам умумлаштирилган маълумотларни тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар комиссияларига тақдим этади.

7. Ишчи гуруҳи ушбу ҳудудда фуқаролар йиғини ёки фуқаролар вакилларнинг йиғилиши ўтказилиши кераклигини олдиндан аниқлайди.

Ишчи гуруҳининг ҳовлилар, турар жой бинолари, кўчалар, маҳаллалар, микрорайонлар, даҳалардан фуқаролар вакилларининг йиғилишига вакиллик нормаси тўғрисидаги таклифлари тегишли комиссияга, улар кейинчалик халқ депутатлари Кенгаши ёки туман, шаҳар ҳокими томонидан кўриб чиқилиши учун киритилади.

Ҳовлилар, турар жой бинолари, кўчалар, маҳаллалар, микрорайонлар, даҳаларнинг вакиллари шу жойларда яшовчи аҳоли умумий йиғилишининг қарори билан сайланади.

8. Ишчи гуруҳи фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) ўтказиладиган жой ва вақтини аҳолига олдиндан хабар қилади.

9. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар ўтказгунга қадар сайлов ўтказиш тартиби, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ислоҳотларни ўтказишдаги ва демократик фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ўрни ҳақида аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилади.

10. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) ўрнига битта ёки бир нечта номзод кўрсатилиши мумкин.

Ишчи гуруҳи фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) лавозимига кўрсатиладиган номзодлар (номзод) тўғрисидаги маълумотларни тегишли туман, шаҳар комиссиясига тақдим этади, бу комиссия уларни тегишли туман, шаҳар ҳокими билан келишиб олади.

11. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) этиб тавсия қилинаётган шахс; қоида тариқасида, олий маълумотли бўлиши, ташкилотчилик қобилиятига, раҳбар лавозимида иш тажрибасига, етарли даражада билимларга, ватанпарварлик туйғусига, аҳоли ўртасида юқори обрў-эътибор ва ҳурматга эга бўлмоғи, ташаббускор ва мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар шароитларида ишлашга қодир шахс бўлмоғи зарур.

12. Ишчи гуруҳи фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) билан биргаликда йиғин кун тартибини тузади, унга фуқаролар йиғини органларининг ҳисоботи, шунингдек фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини киритади.

13. Фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) қатнашчилари рўйхатдан ўтадилар.

Фуқаролар йиғини - йиғинда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган барча аҳолининг ярмидан кўпи қатнашган тақдирда, вакиллар йиғилиши эса - ҳовлилар, турар жой бинолари, кўчалар, маҳаллалар, микрорайонлар, даҳалардан вакил қилинган фуқароларнинг камида учдан икки қисми келган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

14. Фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида белгиланган тартибда чақирилади ва ўтказилади.

15. Йиғинда ўтган давр мобайнида фуқаролар йиғини органлари томонидан қилинган ишлар тўғрисида раиснинг (оқсоқолнинг) ҳисоботи эшитилади. Раис (оқсоқол) бўлмаган тақдирда унинг маслаҳатчиларидан бири ҳисобот бериши мумкин.

16. Фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) қатнашчиларига сўзга чиқиш ҳамда фуқаролар йиғини органлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳисобот давридаги фаолиятига баҳо бериш, улар фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдириш имконияти яратилиши лозим.

17. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқи асосида яширин ёки очиқ овоз бериш йўли билан ўтказилади. Овоз бериш шакли фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) томонидан белгиланади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) муқобиллик асосида сайланаётганда кўрсатилган номзодлар фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши)да раислик қилувчи томонидан алфавит тартибида овозга қўйилади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) унинг номзоди учун фуқаролар йиғини (вакиллар кенгаши)да қатнашаётганларнинг ярмидан кўпи овоз берган тақдирда сайланган ҳисобланади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига кўрсатилган номзодлардан биронтаси ҳам етарли миқдорда овоз ололмаган тақдирда мазкур Низомда белгиланган қоидаларга риоя этилган ҳолда фуқаролар йиғини (вакиллар кенгаши) кўриб чиқиши учун бошқа номзодлар (номзод) тақдим этилади.

18. Сайланган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши)га раис (оқсоқол) маслаҳатчиларини сайлаш учун номзодлар тақдим этади, номзодларнинг миқдор таркиби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳудудидаги кўчалар, турар жой бинолар, даҳалар ва бошқа тузилмалардан вакилликни ҳисобга олган ҳолда ушбу фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) нинг ўзи томонидан белгиланади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)нинг маслаҳатчиларини сайлаш яширин ёки очиқ овоз бериш йўли билан ўтказилади. Овоз бериш шакли фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) томонидан белгиланади. Раис (оқсоқол)нинг маслаҳатчиси унинг номзоди учун фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши)да қатнашаётганларнинг ярмидан кўпи овоз берган тақдирда сайланган ҳисобланади.

19. Раис (оқсоқол)нинг маслаҳатчилари сайловидан сўнг фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) масъул котибни, асосий фаолият йўналишлари бўйича комиссияда (хотин-қизлар, ёшлар билан ишлаш, ободонлаштириш ишлари бўйича ва бошқа комиссиялар), шунингдек тафтиш комиссияси раислари ва аъзоларини сайлашга киришади.

Туман марказидан олисда жойлашган ва етиб бориш қийин бўлган шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда ташкил этилган фуқаролар йиғинларида ҳам маъмурий комиссиялар сайланади.

20. Фуқаролар йиғинлари комиссияларининг раислари ва аъзоларини сайлаш ҳам фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол)нинг маслаҳатчилари сайловидаги тартибда ўтказилади.

Ушбу фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши)да фуқаролар йиғини комиссияларнинг раислари ва аъзоларини сайлаш имконияти бўлмаган тақдирда улар бир ойдан кечиктирилмайдиган муддатда чақириладиган навбатдаги фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши)да сайланиши мумкин.

21. Фуқаролар йиғини (вакиллар йиғилиши) якунлари бўйича икки нусхада баённома тузилади, улардан бири сайлов якунларини умумлаштириш учун тегишли туман, шаҳар комиссиясига тақдим этилади.

Туман ва шаҳар комиссиялари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови якунларига доир умумлаштирилган маълумотларни Қорақалпоғистон Республикаси, тегишли вилоят ва Тошкент шаҳар комиссияларига топширади.

* **Низом Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши қарори билан тасдиқланган.**

Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгашининг Республика Олий Мажлиси Кенгашининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлари

ТАШКИЛИЙ ИШЛАР

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси кенгашининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорида қўйилган вазифаларни ўрганишни ташкил қилиш. Бу жамиятимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа эканлигини аҳоли онгига сингдириш ишларини олиб бориш. Шу мақсадда ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши раислари билан махсус анжуман ўтказиш;

- маҳалла тарихан шаклланган ўзини ўзи бошқарувчи ижтимоий ташкилотнинг, демократик институтининг ноёб шакли, асоси эканлигидан келиб чиқиб, давлат ҳокимияти органларининг айрим ваколатларини амалга оширишдаги тажрибасини умумлаштирган ҳолда уларнинг бу борадаги ҳуқуқларини кенгайтириш масалаларига доир таклифларни ўрганиш ва тегишли тавсияларга тайёрлаш;

- оқсоқоллар сайловига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ишларини мувофиқлаштириб бориш мақсадида Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ҳузурида махсус гуруҳ ташкил қилиш ва фаолиятини йўлга қўйиш. Шундай гуруҳларни ҚҚР, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Оқсоқоллар Кенгашлари ҳузурида ҳам тузиш;

- маҳаллаларда сайлов ўтказувчи Ишчи гуруҳларни (ташкилий қўмита) ташкил қилиш ва уларнинг фаолиятини йўналтиришга кўмаклашиш. Бунда асосий эътиборни тавсия этилажак муқобил номзодларни аввало фуқаролар йиғинида расмий муҳокама қилишларига қаратиш;

- маҳаллаларда сайлов ўтказувчи Ишчи гуруҳларига оқсоқолликка номзодларни танлашда уларнинг қуйидаги сифатлари бўлиши лозимлигидан келиб чиқиб, услубий ёрдам кўрсатиш:

а) маънавий қиёфаси, эл-юрт ишига фидойилиги;

б) ташкилотчилик қобилияти;

в) иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий соҳалар бўйича етарли билим даражаси;

г) жамиятдаги ўзгаришларни тез англаб олувчи қобилиятга эга ва ташаббускорлиги.

- маҳаллаларда сайлов ўтказишга тайёргарлик кўришда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида жойларга "Маҳалла" жамғармаси тизимидаги барча аппарат ходимларини сафарбар қилиш;

- ўзини ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг сайлови якунлари бўйича маълумот тайёрлаш;

ТАШВИҚОТ-ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ

- сайловларга тайёргарлик кўриш, номзодлар кўрсатиш, сайлаш тартиблари, умуман ушбу жараённи аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш, тегишли маълумотларни маҳалла фаолларига ўз вақтида етказишни ташкил қилиш, оммавий ахборот воситаларига кўмаклашиш учун Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши қошида Ахборот марказини тузиш;

- Республика Олий Мажлиси Кенгаши томонидан тасдиқланган сайлов ўтказишни ташкил этишга доир намунавий Низомни маҳаллаларга етказиш ва унга амал қилиш, зарур ҳужжатларни расмийлаштиришда маҳаллалардаги Ишчи гуруҳларига амалий ёрдам кўрсатиш;

- маҳалла аҳоли ўзини ўзи бошқарувининг ноёб миллий шакли, унинг тарихи, ҳозирги куни ва келажагини илмий-амалий, ҳаётий тажрибалар асосида ёритиб берувчи мақолалар чоп этилишини ташкил қилиш;

- оммавий ахборот воситалари орқали (телевидение, радио, газета) оқсоқол сайловига тайёргарлик кўриш ва ўтказишга оид учрашув ва суҳбатлар ташкил қилиш;

- "Mahalla" газетаси саҳифасида "Маҳалла оқсоқоли" рукни остида намунали маҳалла оқсоқоллари иш тажрибасини ёритувчи, оқсоқол қандай сифатларга эга бўлишини кўрсатиб берадиган таҳлилий мақолалар чоп этилишини ташкил қилиш;

- маҳалла йиғинлари раислари (оқсоқол)лари ва улар маслаҳатчилари сайловининг бориши ҳақида ахборот тайёрлаш.

(Боши 1-бетда)

КЎНГИЛ ТАСКИН ТОПГАНДА

Футбол

Тўғри, рақибимиз Хитой Тайпейи жамоаси ФИФА таснифида биздан анча пастдан ўрин эгаллаган. Аммо келинг, очиқчасига тан олайлик, ўтган йилги Осиё кубогидаги муваффақиятсизлик, мавсумга тайёргарлик давридаги мағлубиятлар жамоага нисбатан ишончсизлик руҳини шакллантириб улгураёзганди. Шу боисдан ҳам яна янгиланган таркибда майдонга тушган жамоада қандай ўйин кўрсатаркин, деган хавотир бор эди.

Назаримизда, энг муҳим хусусият - терма жамоанинг шижоати ва ақиллиги. Дастлабки дақиқалардан қанотларда Ширшов ва Давлетов марказда ўйин тизгинини қўлга олган Қосимов ва Маминовлар билан ҳамоҳанг ўйин намойиш эта бошлаганидан, ҳужумчиларга бутун жамоа ёрдамга интилганидан ўйинғоҳни тўлдирган ишқибозлар хурсанд бўлишди.

Иккинчиси, таркибга қўшилган янги футболчилар таъсиримиз, ёки янги бош мураббий Владимир Салъков саъй-ҳаракатлари натижасими, йигитларнинг масъулиятни ўз зиммасига олишдан чўчимаслигидир. Аввалари футболчиларимиз ҳал қилувчи дақиқаларда жамоа етакчилари Миржалол Қосимов ёки, айтайлик, Максим Шацкихни қидиришга тушишарди. Хитой Тайпейи билан учрашувда ҳар бир футболчимиз рақиб дарвозасига таҳдид солишга қодир эканини намойиш қилди.

Учинчиси, хавотир бўлганимиз - Жаъфар Иримсетовнинг руҳий аҳволи жойида экани.

Тўртинчиси, йигитларимиз мухлисларга бир-биридан чиройли голлар шодасини тақдим этишгани.

Бешинчиси, Заҳирадан майдонга тушган футболчилар ҳам жамоани қўллай олгани. Зеро, жароҳатлари туфайли ушбу мусобақаларда Шацких, Бугало, Акопянц, Илҳом Шарипов каби бир қатор етакчи футболчиларимиз иштирок эта олмаслигини назарда тутсак, ниҳоят, терма жамоа таркибидан жой олиш учун ҳақиқий рақобат пайдо бўлганига ишонч ҳосил қиламиз.

Биринчи турнинг дастлабки учрашувида Туркманистон терма жамоаси аъзолари Иордания футболчилари дарвозасига икки тўп йўллаб ғалаба қозонишгани туфайли бугун «Пахтакор» марказий ўйингоҳида ўтказиладиган қўшнилар учрашуви Осиё қитъаси 7-саралаш гуруҳи ғолиби ҳақида тахминлар келиб чиқишига сабаб бўлди.

Шу ўринда мусобақани ўтказиш тартибига қисқача изоҳ бериб ўтсак. Тошкентда тўрт жамоа ўзаро баҳс юритгач, бир ҳафтадан сўнг Иорданияда яна бир-бирларига рўбаро келишади. Ана шу икки даврa натижаларига кўра гуруҳда ғолибликни қўлга киритган терма жамоа жаҳон чемпионати ҳал қилувчи босқичга чиқиш учун курашни давом эттиради. Ҳозирча Эрон, Баҳрайн, Қатар ва Саудия Арабистони Терма жамоалари ўз гуруҳларида зафар қучишга улгуришди. Саудияликлар барча 6 ўйинда рақиблари дарвозасига 30 гол йўллаб, ўз дарвозалари даҳлсизлигини таъминлашгани, Баҳрайн жамоаси кутилмаганда Қувайтни доғда қолдиргани эътиборга молик. Қўшниларимиздан Тожикистон ва Қирғизистон терма жамоаларининг омади чопмади ва улар саралаш ўйинларида ўз гуруҳларида ғалаба қозона олишмади. Қозоғистон терма жамоаси Ироқда ўтган дастлабки даврада Непал ва Макао жамоаларидан устун келиб, мезбонлар билан дуранг ўйнашга муваффақ бўлган эди. Алматида ўтаётган иккинчи даврада ҳам гуруҳдаги биринчи ўрин тақдири икки пешқадамнинг сўнгги турда ўтадиган ўзаро баҳсида ҳал этилади. Ана шу ўйинда яна мабодо дуранг натижа қайд этилса, тўплар нисбати ироқлик футболчиларга иккинчи босқич дарвозасини очиб беради. Шунингдек, Индонезия, Ҳиндистон, ва Яман жамоалари ўз гуруҳларида пешқадам бўлиб туришибди.

Гуруҳларда зафар қучган терма командалар Жанубий Қурия ва Японияга бевосита йўлланма олиш учун яна гуруҳларга бўлиниб баҳс юритишади. Омадли икки жамоа жаҳон чемпионатида мусобақа мезбонлари билан бирга Осиё шарафини ҳимоя қилади. Тўғри, саралаш учрашувлари ниҳоясида қитъада учинчи ўринни эгаллаган жамоа ҳам келгуси йили Узоқ Шарққа бориш имконига эга. Аммо бунинг учун ана шу «учинчи» жамоа Европа терма жамоаларида бири билан орани очиқ қилиши зарур бўлади. Рости, бу баҳсда Европаликларнинг имконияти анча юқори эканига ҳеч ким шубҳа қилмаяпти. Аммо ҳали ўша учрашувгача олис йўлни босиб ўтиш лозим. Дастлабки қадам муваффақиятли бўлди. Биз терма жамоамизга навбатдаги баҳсларда фақат ғалаба ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ.

Ҳурматли ота-оналар, маҳалладошлар!

Фарзандларимизнинг ёзги таътиллари мароқли ва қизиқарли ўтишини таъминлаш, ҳамда жисмонан соғлом ва баркамол бўлиши бизнинг асосий вазифамиздир. Фарзандлари соғлом юртнинг келажаги буюк бўлишини унутмайлик.

Қадрли футболсевар болалар!

«Футболимиз келажаги» кубоги турнирида иштирок этишни истасангиз биринчи галда маҳаллангиз оқсоқолига мурожаат қилинг.

«Футболимиз келажаги» кубоги турнирини қўллаб қувватловчи ҳомийлар, тадбиркор ишқибозлар, ёшлар мураббийлари, маҳалла жонкуярлари маҳалла болалари футболини ривожлантириш жамғармасига ўз ҳиссангизни қўшинг!

Ҳисоб рақами: 20212000300153649001 «Ипак йўли» Акционер тижорат банки МФО: 00444, ИНН: 200896691

«Футболимиз келажаги» учун деб ёзиб қўйилиши керак.

«Футболимиз келажаги» кубоги турнири бўйича барча масалалар юзасидан мурожаат учун телефонлар:

Республика бўйича:
(8-3712) 1363766, 1363790
Тошкент шаҳар бўйича:
1362284, 1367901

(Боши 1-бетда)

ЧИЛОНЗОРНИНГ 60 ЖАМОАСИ БОР

Маҳалла ёшлари ва ўсмирлари ўртасидаги «Футболимиз келажаги» кубоги биринчи босқич мусобақасига 20 апрел куни Чилонзор туманида биринчилардан бўлиб старт берилди.

Бу йил иккинчи бор ўтказилаётган ушбу мусобақаларга қизиқиш ортса ортдики, асло камайгани йўқ. Чилонзор тумани ҳокими ижроия маҳкамаси, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси томонидан ўтказилаётган ушбу мусобақанинг очилиши ўзига хос байрам тусини олди. Туманда мавжуд 43 маҳалладан 60 та футбол жамоаси майдонга саф тортишди. Саф тортиб турган ёшларнинг юзидан қувончи, шижоатни кўриб бир қувонсанг, уларнинг футбол либосларини кўриб икки қувонасан. Туман ҳокими ўринбосари, ташкилий гуруҳ раиси Б.А Сагатов туман ҳокимлигининг Футбол жамоаларига табригини ўқиб эшиттириб, уларга омад тилади. Шундан сўнг»Чилонзор» марказий ўйингоҳида 14-16 ёшгача ўсмирлар ўртасидаги биринчи ўйин Чилонзор маҳалласининг «Чилонзор ота» ва Ҳамза маҳалласи жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Ўйинни томоша қилиб, ўтган бир йил давомида жамоалар тинимсиз тайёргарлик кўришганлигига гувоҳ бўлдик. Биринчи учрашувнинг биринчи гол муаллифига таъсис этилган совға кимга насиб қиларкан дея барча томошабинлар қизиқиш билан ўйинни кузатишди. Томошабинлар узоқ кутишмади. Ҳамза маҳалласи ўйинчиси биринчи гол муаллифи бўлди. Қизиқарли тенг курашлар остида ўтган беллашув 2:2 ҳисобида дуранг натижа билан якунланди.

О.БЕГАЛИЕВ
«MAHALLA» мухбири.

Маҳалла Оқсоқоллари ва ҳомийлар диққатига!

«Маҳалла мурувватн» корхонасида маҳалла болалари ўртасида ўтказилаётган «Футболимиз келажаги» республика кубоги турнири қатнашчилари учун арзонлаштирилган нархда мусобақа рамзи туширилган футбол кийимлари тайёрланмоқда.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Акмал Икромов тумани, Меҳмондўст кўчаси, 26-уй.
Телефонлар: (8-3712) 47-83-03; 139-05-25; 136-71-88; 136-37-66.

Мунажжимлар башорати

Чоршанбадан Якшанбагача

Қўй (21.03-21.04). Чоршанба куни жароҳат олиш эҳтимоли борлигини ҳисобга олсак, ҳафтанинг биринчи ярми у қадар кўнгилли эмаслиги равшан бўлади. Фақат жума куни енгил нафас ола бошлайсиз ва шанбадаги можароли вазиятга тушиш эҳтимолини соқит қилсак, якшанба куни яна хуш кайфият ҳамроҳингиз бўлади.

Бузоқ (22.04-20.05). Ҳафта сиз учун ғоят ғалати кечади. «Ойнинг ўн беши қоронғу...» деганларидек, пайшанба кун зиддиятли ҳолатларга дуч келишингиз мумкин. Чоршанба жароҳат олишдан эҳтиёт бўлинг. Ҳафтанинг қолган кунлари сизнинг бошингизни силайди десак муболаға бўлмайди. Шанба ва якшанба сизга амалий учрашувларга ва хайрли дамларни ваъда қилмоқда.

Эгизаклар (22.05-21.06). Ҳафта сизга ажойиб ва ғаройиб кунларни ваъда қилмоқда. Ҳар бир кунингиз «тилло»дан қадрли эканлигини англаб етарсиз, деган умиддамиз. Чоршанба, пайшанба ва қолган кунлар сизга фақат омад ва барор тилайди.

Қисқичбақа (22.06-22.07). Ҳафта ғоят ғайриоддий тусда бўлади. Ҳафтанинг чоршанба ва якшанба кунлари уйда ёки ишхонада бирон зиддият туғилишидан эҳтиёт бўлинг. Душанба куни ажиб бир нозанин билан ҳамрозлик бахтига мушарраф бўлганингиз боис, ушбу ҳамрозлик меваси ўлароқ сешанбада ишингиз бир неча баҳя олға силжийди. Пайшанба ҳамёнингиз қаппайиб қолса ажаб эмас.

Арслон (23.07-22.08). Ҳафта сизга кўпдан кўп анвойи кунларни инъом этади. Душанбадан бошланган ажойиб кунлар бир-бирига уланиб кетади. Навбатдаги кун ижодий фаоллигингиз юксалишда бўлади. Пайшанба қўлингизга пул тушади. Шанбадаги мароқли учрашувдан сўнг, якшанбада таъбингизни хира қилишларидан сақланинг.

Паризод (23.08-22.09). Бу ҳафта сиз учун оғирроқ кечиши эҳтимоли бор. Чоршанбада нохуш кайфиятга тушишингиз мумкин. Лекин сиз бундан асло хафа бўлманг. Пайшанба кун кўнглингиз бироз таскин топади. Жумада «муҳаббат саройи»нинг ҳоқонига айлансангиз ажаб эмас. Дам олиш кунлари ҳам сиз учун тароватли кунлар бўлиши шубҳасиз.

Тарози (23.09-22.10). Ҳафтанинг шанба куни оғирроқ кечишини эътибордан соқит қилганимизда, қолган барча кунлар рисоладагидек бўлади. Айниқса чоршанба кунлари сиз учун ғоят кўнгилли кечади. Дарвоқе, пайшанбада сиз дидингизга маъқул бирон буюмни харид қилишингиз мумкин. Бозорингиз бароридан келсин!

Чаён (23.10-22.11). Мазкур ҳафтанинг боши ва охирида машқингиз бироз пастроқ бўлади. Чунки иш кунлари вазминлик билан иш тутмасангиз, можароли вазиятларга тушиб қолишингиз эҳтимоли бор. Хаёлот дунёсида сайр қиласиз. Ҳафтанинг ўртаси сиз учун ғоят омадли, сермаҳсул келиши бошқаларнинг ҳиссасини чиқариб юбориши ҳеч гап эмас.

Ўқотар (23.11-21.12). Айтиш мумкинки, бу ҳафта сизнинг ҳафтангиз. Шу кунлари бир ажиб ҳурилиқо билан муҳаббат шаробини тотмоғингиз учун қулай фурсат. Висолнинг жаннатий дамларидан сўнг чоршанба қалбингиз ажиб ҳиссиётларга тўлса, пайшанбада омадингиз кулиб, ишларингиз юришиб кетса, жумада анчадан буён қақшаб юрган чўнтагингизга ҳам жарақ-жарақ пул кирса бунинг савобига нима етсин?

Тоғ эчкиси (22.12-29.01). Айрим ҳолларда истисно қилганда, ҳафта сиз учун фақат эзгулик ва қувончли дамларни ваъда қилаётир. Чоршанба куни соғлигингиз хусусида ўйлаб кўрганингиз маъқул. Пайшанбадаги зиддиятли вазиятдан эсон-омон ўтиб олсангиз, у ёғидан асло ташвиш чекманг.

Қовға (20.01-18.02). Ҳафтанинг чоршанба куни рўй бериш эҳтимоли бўлган зиддиятли вазиятни ҳисобга олмаганда бошқа кунлар омадли келади. Айниқса дам олиш кунларидаги роҳатбахш онлардан кўнглингиз тоғдек кўтарилади.

Балиқ (19.02-20.03). Бу ҳафта бироз оғирроқ келса, бундан кўнглингиз ўксимасин. Негаки, юлдузларнинг сўйлашича, чоршанба, жума ва шанба кунларида можароли вазиятлар сизни бетўхтов таъқиб қилади. Бунга қарама-қарши ўлароқ, чоршанбадаги мафтункор учрашув, пайшанбадаги хуш кайфият, якшанбадаги амалий учрашувлар барча кўнгилсизликларни ювиб кетишидан умид қилаверманг.

ИСТИҚЛОЛ ВА МАҲАЛЛА

(Давоми. Аввали 1 бетда)

Янгидан сайланаётган бўлса, маънавий-маданий ташкилотчилик, тадбиркорлик қобилияти, ўзи, оиласи, обрў-эътибори инобатга олинади. XXI аср, мустақиллик даври ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган ислоҳотлар, ваколатлар, бозор иқтисодига ўтиш шарт-шароитлари, уларнинг ҳокимият тизимидан холи, эркин фаолият кўрсатиш имконияти, энг муҳими адолатли, демократик жамиятнинг асоси сифатида ишлаш лозимлиги ва бу масаланинг давлат даражасида муқобил бошқарув идораси мақомида шаклланиши талабларидан келиб чиқиб, ҳозирги кунда йиғинларнинг раислари, "Маҳалла" жамғармаси олдига янги-янги юксак талаблар қўймоқда. Улар бугунги кунда бевосита маҳалла аҳолиси ҳаётига, турмуш тарзига, анъана, урф-одат, қадриятларга оид масалаларга бош-қош бўлиш билан бирга, жамоат манфаатлари миқёсидаги вазифаларни бажаришга ҳам масъулдирлар. Янги таҳрирдаги қонунга мувофиқ, улар бу ишларни ҳокимият, ижроия, вакиллик органлари қош-қовоғига қараб эмас, балки Конституция, Қонун ва мавжуд меъёрий ҳужжатлар илгари сурган, халқ иродасини ифода этувчи талабларга мувофиқ мустақил ҳал этишлари, жамият олдида жавоб беришлари керак. Улар адолатли, ҳар томонлама ҳалол бўлишлари, порага учмасликлари, ҳаром луқмага сотилмасликлари, ошна-оғайнигарчиликларга берилмасликлари, давлатда, жамиятда, дунёда рўй бераётган жараёнларни, ўзгаришларни, янгиликларни чуқур билишлари, зукко, тажриба, билим ва ваколатларни, ҳуқуқ ва бурчларни аниқ, манбалар асосида ўзлаштиришлари, муомила, ширинсуханлик, вазминлик, бобида доим тоқат доирасида ўзларини тутиб тура олишлари, одамларнинг кундалик эҳтиёжлари, хонадондан остона хатлаб эшикка чиққанларида ечолмаган саволларига тахт туришлари, бир сўз билан айтганда маҳалласининг ҳам отаси, ҳам онаси бўлиб қолишлари лозим.

Раис ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказишни тўғри, ўзини ўзи бошқариш органлари андозалари даражасида уюштириш, демак, йиғилишда фуқароларнинг кўплаб миқдорда иштирок этишига эътибор қаратилиши зарур. Бунда жуда ҳам огоҳ бўлиш, қонун-қоидаларни бузилишига, адашишларга йўл қўймаслик керак. Йиғилишнинг уюшқоқлик билан, адолатли ўтиши учун фуқароларни олдиндан хабардор қилиш, йиғилиш ўтадиган жойни тахт қилиб қўйиш, йиғинни кўпчилик аҳоли учун қулай вақтда чақирилишини белгилаш муҳимдир. Раис ҳамда тафтиш гуруҳи ҳисоботининг ҳар томонлама ўрганилган, аниқ далил, рақамларга асосланган бўлиши, маҳалла ҳаётида амалга оширилган ишларга танқидий нуқтаи назардан ёндошиб, қилинмаган ишларга кишиларни сафарбар этиш, мазмундор, вазифалар аниқ қўйилиши даркор. Айниқса, ҳисобот давридаги фаолият таҳлилидан келиб чиқиб, мавжуд муаммо ва вазифаларни ечиш йўлларини, усулини, имкониятларини ўз ичига олган бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳисобот йиғилишларини тайёрлашда ва ўтказишда, унинг Олий Мажлис Кенгаши томонидан тавсия этилган чора тадбирларига мувофиқ бўлишини таъминлашда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси ва унинг туман, шаҳар, вилоят бўлинмалари яқиндан ёрдам беришлари лозим.

Ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг янада самарали фаолият кўрсатишларида, фуқароларнинг йиғинларида Олий Мажлис депутатларининг, маҳаллий кенгаш депутатларининг иштирок этиши фойдалидир.

Маҳалла фуқаролар йиғинларининг, оқсоқол ва фаолларининг XXI асрдаги ниятларига, режаларига, дастурларига диққат билан қарасак, уларнинг ранг-баранглиги, эзгу амалларга бойлигини кўрамиз. Барчаси, XXI аср сарҳадларидан бошлаб, янги уч мингинчи йилда маҳаллаларнинг қиёфасини, фаолият мазмуни қандай бўлишини, янгича инфраструктурасини ифода этади. Мухтасар қилиб айтиш мумкинки, ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар истиқболда обод, озод, фаровон ҳаёт қарор топган буюк Ўзбекистон давлатининг ишончли қўрғони, қиёфасини белгиловчи саодат қасри бўлиб қолажак.

Расул РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамғармаси раисининг ўринбосари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Сир эмаски, маҳалла посбонларининг жойларда аҳоли хавфсизлигини таъминлашда, содир этилган жиноятларнинг, ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини аниқлашда, уларни бартараф этиш йўлида саъй-ҳаракатлари катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

БУХОРОНИНГ БОТИР ПОСБОНЛАРИ

Бухоро вилояти ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида жами 241 та маҳалла посбонлари тузилмалари ташкил этилган. Уларга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ва ҳудудий инспекторлар раҳбарлик қилмоқда ва бу тузилмалар сафида 2136 нафар посбонлар хизмат қилмоқда.

Маҳалла посбонлари 2000 йилда 229 та жиноятни фош этишда иштирок этган бўлсалар, улар ёрдамида 1999 йилда 405 та, 2000 йилда 2881 та ҳуқуқбузарлик аниқланди.

Айниқса, вилоятнинг Ғиждувон туманидаги Говшун қишлоқ фуқаролар йиғинида посбонларнинг иши ибратли тарзда йўлга қўйилган. Фуқаролар йиғинида посбонлар ёрдамида 4 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланган, 7 та жиноятнинг олди олинган.

Жондор туманидаги Қуроли қишлоқ фуқаролар йиғинида посбон Эркин Олимов 2000 йил 5 апрел куни шу тумандаги Ўзбекистон жамоа хўжалиги Довуд қишлоғи савдо дўконидан 250000 сўмлик буюмларнинг ўғирланганлиги жиноятини очишда фаол иштирок этган. Олот тумани Амударё жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган Хўжадавлат мавзесидан 2000 йил 3 феврал куни мазкур туманнинг электр алоқаси боғламаси корхонасига тегишли бўлган симёғочлардан нархи 59782 минг сўмлик жами 4200 метр симни ўғирлаб кетилганлиги маҳалла посбони Рўзи Ҳамроев иштирокида аниқланди. Ушбу жиноятни Амударё жамоа хўжалиги 1-бригадасида яшовчи А.Умиров ва А.Ўрозовлар содир қилганлиги фош бўлди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида «Маҳалла посбон»лари жамоатчилик тузилмаларининг ташкил этилиши фуқароларнинг сиёсий фаоллигини оширишга, ҳамда ўз ҳудудларидаги осойишталикни сақлашга, давлат идоралари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида ҳамкорликни таъминлаб, аҳолининг ўзаро ҳамжиҳатлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Г.УМАРОВА.

Ахтачилик Шарофат холани ўша «келинлар қўзғолони» асаридаги Фармонбибига ўхшатаман. Гапи-гап, сўзи-сўз. Маҳаллада усиз биронта ҳам марака-маросим ўтмайди. Барчасига бош-қош. Ҳамма унинг гапларига қулоқ солади. Ёш-яланг қиз-жувонлар ундан ҳайиқишади.

Ўзиям ували, жували: беш ўғил, беш қизни ўстириб юртга қўшган. Ўнта қуда, ўн олтита навара қудаси бор.

ЮЛДУЗИНИ ЎЗИ ТАНЛАСИН

Шарофат холанинг шаҳарлик бўлиб кетган қизига деганлари

Шарофат хола кенжа қизини шаҳарга берган, қолганлари олдида. Шаҳарлик қизининг болаларини бирам суяди денг. Айниқса Азамат деган набирасини еру кўкка ишонмайди.

Мен ишлаётган мактабда «Фармонбиби»нинг 13 нафар невараси ўқийди. Шунинг учун мен тез-тез шу хонадонда бўлиб тураман. Яқинда Шарофат холанинг шаҳарлик қизига қилган насиҳатини эшитиб қолдим. Қарасам, жуда фойдали, тажрибада синалган гаплар. Уни «Mahalla» газетаси муштарийларига ҳам «илиндим».

- Боланг дала йўлларида оёқяланг юрсин, койима. Иссиқ тупроқ оёқларини қиздирсин. Кун келиб бу иссиқ юрагига чўғ солади. Оқар сувларда яйраб чўмилсин, ялонғоч баданлари қуёшда тоблансин, майли. Саратон иссиғига чидаган бола, қиш совуғига ҳам дош бера олади.

Йўл бўйларидаги пишиб етилган чағир тутлардан териб, кафтига тўлдириб ошасин. Тутга тўйган боланинг ранги тозаради, қувватга тўлади. Бедазорларда капалак қувлаб юрсин, чарчаса чалқанча ётиб зангори осмонга тикилсин. Дунёнинг чексизлиги хаёлга толдирсин, ҳавонинг софлигидан сарҳуш бўлсин. Шаҳарга борганида ҳавони нималар булғаётганини фаҳмлаб етади. Самода ўмбалоқ ошиб ўйнаётган кабутарларни томоша қилсин. Озод ва эркин яшамоқ бахтини юракдан туядиган бўлади. Кўзга кўринмай куйлаётган тўрғай ноласини эшитсин, юракни ўртовчи бу оҳанг сирини билишга қизиқсин.

Ўртоқлари билан қир-адирларга чиқиб кетса, хавотир олмагин. Майли, товонларига тиконлар кирсин, қиррали тошлар оёғини тилса, чўчиб кетма. Ҳаёт йўли доимо текис ва равон эмаслиги, машаққатли довонлар ҳам борлиги қалбига сингади.

Кенгликлар бола юрагини қамраб олади. Қирнинг турфа хил чечаклар, чўғдек ёнган лолақизғалдоқлар, ранго ранг капалаклар, ногоҳон ёй тортган мўъжиза - рангин капалак болани ҳайратларга солсин. Бармоқларида ўрмалаган «хонқизи» қанотларини ростлаб, самога учсин. Парвоз қилиш гашти бола қалбига сингиб қолади.

Қўшни бола от миниб ўтганда ортидан эргашса, қайтарма. Боланг отдан чўчимасин, ёлини силасин, эгарлашни, айилни маҳкам тортишни, тизгин ушлашни ўргансин. Отга ишқи тушган ўғлон довюрак бўлади.

Ялпиз, жағ-жағ, чучмомалар терсин. Тандирга сомсалар ёпгин. Мазаси оғзида қолсин. Ердан униб чиққан ҳар бир гиёҳнинг хусусиятини, фойдали эканлигини айтгин. Хуштаъм кулчалар ёпиб бергин, қўли куйиб нонни бағрига боссин. Тандир нима эканлигини билсин. Даладаги ҳар битта бошоқни асрабавайлашни, деҳқон бобоси меҳнатини қадрлашни ўргат.

Ёз кечалари самога тикилсин. Само йўлини кўрсин. Чўлпон, юлдузи, Етти оғайни, Тарози каби юлдузларни танисин. Ўз маҳалласида улар қаерга жойлашганини билсин. Юлдузини ўзи танлашига имкон бер. Ойдин кечалар сирини пинҳон сақла, ўзи мушоҳада қилсин. Ой юзидаги доғлар тўғрисида ривоятлар айтиб берай, ёзиб олгин, болам. Ойнинг ўн беши қоронғи, ўн беши ёруғ эканлиги, табиатдаги ҳар бир нарса мукаммал яратилганлигини, Аллоҳнинг карами кенг, қудрати улуғлигини боланг қалбига сингдиргин.

Тез-тез келиб туринглар. Болаларинг қишлоқ ҳавосидан, ҳаётидан баҳраманд бўлишсин. Адҳамжон Болтабой ўғлининг зурёди шаҳарда ҳам униб-ўссинлар. Авлодингнинг палаги тоза бўлиши учун курашгин, қизим...

Оққа кўчирувчи:
Абдулаҳад ЎРМОНОВ

- Қирқинчи кокилингни ҳам ўриб бўлдим, қизим. Энди толбаргак тақсак-ми...

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

ҲАКИМЛАРДАН ЁЧИГАНМИЗ!

дейишади бойсунликлар

Ғира-шира фарахбахш тонг отмоқда. Шаҳар ширин уйқуда. Аммо «Тез тиббий ёрдам» бўлимининг навбатчи шифокорлари бедор. Шу дамда телефон уст-устига жиринглади. Навбатчи ҳаким гўшакни кўтарди.

- Эшитаман?

- Аёлим оғир бетоб бўлиб қолди, иним. Ёрдамингизга муҳтожман... Афтидан, юраги хасталанганга ўхшайди.

...«Тез ёрдам» машинаси манзил томонга елдек учди. Бемор бир пастда касалхонага келтирилди. Аҳволи оғир эди. Ранги докадек оқарган, қон босими тушиб кетган. Ўзи ҳушсиз, юрак уриши сийраклашган, тана ҳарорати ҳам 35 даражага пасайган. Жонлантириш шифокори Баҳром Ёдгоров, кардиолог Нарзулло Ражабов, асаб касаллиги ҳакими Даврон Умаровлар ажал билан олишишга киришдилар. Муолажа устига муолажа ўтказдилар, беморнинг аҳволини ўнглаш чораларини кўришарди.

Аслида, бемор ҳам шу шифокор эди. У ўттиз беш йил туғруқхона бўлимида ишлаган. Минглаб ўғил, қизларнинг соғ-омон оламга келишига ёрдам берган.

Халққа хизмати сингган нафақадаги доянинг ўзи бугун бетоб. Шифокорлар уни оиласи, беш нафар ўғил-қизлари, саккиз нафар набиралари қучоғига қайтариш учун тиниб-тинчимаяпти. Бўлим бошлиғи, биринчи тоифали жарроҳ Худоёр Саидов ҳам ҳамкасблар ёнида, уларга далда бўляпти, беморга муолажалар ўтказишда маслаҳатлар бермоқда, йўл-йўриқлар кўрсатмоқда. Етти соатлик тинимсиз ҳаракатдан сўнг умид учқунлари порлади.

Ҳа, Бойсундаги марказий касалхонада беморлар дардига малҳам бўладиган фидоий шифокорлар сони кўп. Қудрат Ҳайдаров, Миршакар Муқимов, Ёқуб Тўраев, Саттор Жўраев, Бобохон Қўлбоев, Холназар Раҳимов, Қудрат Қодиров, Ирисой Менглиева, Менгнора Глазитдинова... Эҳ - ҳе, бу рўйхатни анча давом эттириш мумкин.

Ҳозир туманда 7 бўлимдан иборат 330 ўринли марказий касалхона, 5 та қишлоқ врачлик шифохонаси, 36 фельдшер-акушерлик пункти фаолият кўрсатмоқда. 113 нафар малакали ҳаким, 507 нафар ўрта тиббиёт ходимлари халқ хизматида. Туман соғлиқни сақлаш бўлимининг бош шифокори Бўри Турдиев ишчан, серғайрат билимли йигит. У соғлиқни сақлаш бош ҳакими этиб тайинлангандан буён туман меҳнаткашларига тиббий хизмат кўрсатиш соҳасида сезиларли ижобий натижаларга эришилмоқда.

Бўри Турдиев «Қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш тўғрисида» Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган қарорни амалга оширишда катта куч ва ғайрат сарфламоқда. У марказий касалхона ҳузурида «Тез ёрдам» бўлимини ташкил этиш ташаббусини кўтариб чиқди. Туман ҳокими таклифни қўллаб-қувватлади. 67 ташкилот, корхона бу хайрли ишга бош қўшди, ҳомийлик ёрдами кўрсатди. Қисқа муддатда замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган шифохона вужудга келди.

Қишлоқларда ҳам замонавий касалхоналар қад ростламоқда. Ўтган йили ишга туширилган Сариосиё қишлоғи аҳлига хизмат қилаётган ҳакимлик пункти ана шулардан бири. Физиотерапевтик муолажалар, лаборатория текширувлари шу ернинг ўзида амалга оширилади. Ҳаким Баҳодир Норматовнинг хизматларидан ҳамма хурсанд. Худди ана шундай ҳакимлик пункти туман марказидан 50-60 километр узоқда бўлган Мачай қишлоғида ҳам қуриляпти. Бу бинони Мустақилликнинг 10 йиллик тўйи арафасида тоғлик аҳолига армуғон этиш назарда тутилган.

Омон ШУКУРОВ,
«Mahalla» мухбири.

Пойтахтдаги Мирзо Улуғбек тумани Шукур Бурхонов номли маҳаллада «Гулнора она» оила маркази ташкил этилганидан буён ўтган вақт ичида ушбу марказнинг маҳалла ҳаётида тутган ўрни, бу ерда қилинаётган ибратли ишларнинг довруғи бутун республикага ёйилди.

«ГУЛНОРА ОНА» СУМАЛАК СУЗДИ!

«Гулнора она» оила марказида кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг қизлари имтиёзли тарзда олти йўналиш бўйича ўқитилиб, касб-кор эгаси бўлмоқдалар.

Яқинда ушбу марказда тадбир бўлиб ўтди. Йиғилган меҳмонлар - таниқли олима аёллар, жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳаллалар хотин-қизлар комиссиялари раислари ва бир гуруҳ чет эллик ватандошларимиз марказдаги ўқув жараёни, тикув-бичув гуруҳи ўқувчи қизларининг тиккан либослари билан танишдилар, тажриба алмашдилар. Шунингдек, Республика «Оила» маркази томонидан «Гулнора она»нинг ўқувчи қизларига бир жуфт компьютер жамламаси байрам совғаси сифатида тақдим этилди. Энди бу ерда қизларга компьютердан фойдаланиш кўникмасини берадиган ўқув гуруҳлари очилиши табиий.

Ўқувчи қизлар тайёрлаган баҳорий неъмат - сумалак маҳалла аҳли ва меҳмонларга жуда манзур бўлди.

Дилдора Умарова.

СЎРАНГ, БИЛИБ ОЛИНГ

Акамнинг ўғли икки йилдан буён биз билан яшайди. Уни менинг фамилиямга ўтказиш учун нима қилишим керак?

А.ШАРИПОВА.
Термиз шаҳри.

ЖАВОБ: Бунинг учун васийлик ва ҳомийлик органига мурожаат этиш лозим. Бу орган боланинг манфаатларини ва ота-онанинг фикрини ҳисобга олган ҳолда масалани ҳал қилади. Умуман исм, ва фамилияни ўзгартириш (ФҲДЁ) фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи томонидан амалга оширилади.

Бундан ташқари, ўн ёшга тўлган боланинг исми ва фамилиясини ўзгартиришда унинг розилиги эътиборга олинади.

* * *

Маҳалла фуқаролари йиғин қошида хусусий дўкон очиб фаолият кўрсатса бўладими? Уни қандай амалга ошириш мумкин ва солиқ қай тартибда тўланади?

Х.ХАЙДАРОВ.
Фарғона вилояти.



ЖАВОБ: Маҳалла фуқаролари йиғин қошида хусусий дўкон очиб фаолият кўрсатиш мумкин. Бу фаолиятни амалга ошириш учун аввало, ҳокимиятга ариза билан мурожаат қилинади. Солиқ эса қонунда кўрсатилган тартибда тўланади.

* * *

Болани фарзандликка олиш қандай амалга оширилади?

Ф.БОТИРОВА.
Гулистон шаҳри.

ЖАВОБ: Фарзандликка вояга етмаган болалар олинади. Агар бола ўн ёшга тўлган бўлса, фарзандликка олиш учун унинг розилиги талаб қилинади. Болани фарзандликка олишни истаган шахсларга уларнинг аризасига биноан ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи тавсиясига кўра туман ва шаҳар ҳокими қарори билан фарзандликка берилади.

* * *

Мен Тошкент шаҳрида яшайман. Сирдарё вилоятидан ота-онам менинг уйимга доимий яшаш учун келишмоқчи. Уларни менинг уйимга рўйхатга киритиш тартиблари қандай?

Б. ҒИЁСОВ.
Тошкент шаҳри

«Ўзбекистон Республикасининг паспорт тизими тўғрисида»ги Низомига мувофиқ Ўзбекистон Фуқаролари Республика ҳудудининг бир жойидан бошқа жойига доимий ёки вақтинчалик яшаш учун келганларида, тегишли тартибда рўйхатдан ўтишлари лозим.

Вақтинчалик яшаш учун келиш 3 кундан 6 ойгача, шунингдек, 6 ойгача муддатга келинганда доимий яшаш жойидан рўйхатдан ўчмаган ҳолда, 6 ойдан ортиқ муддатга бўлганда эса доимий яшаш жойидан рўйхатдан чиқиб, келган жойидан рўйхатдан ўтишлари лозим. Хизмат сафарига, таътилга, дам олиш ёки даволанишга келганлар бундан мустасно.

Доимий яшаш учун келган фуқаролар яшаш жойларини ўзгартирганларида, тегишли равишда рўйхатдан чиқиб, янги яшаш жойида рўйхатга киришлари лозим. Бу ички ишлар органи орқали амалга оширилади.

Агар рўйхатга кираётган шахс (шахслар) кўчиб кираётган уй эгасининг ота-онаси бўлса, бундай шахсларга турар жойга кўчиб киришда белгиланган тартиблари уларга нисбатан тадбиқ этилмайди.

Республика Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Маркази бўлим бошлиғи, Меҳри БОЛЛИЕВА тайёрлади.

АЛЛОМАЛАРИ БИЛАН АЪЛО ЗАМИН

Яхшилар гулшани

Фозил кори Ёсин ўғли СОБИРОВ

Қадимий Самарқанд ва Бухоро, Хива ва Тошкент, Термиз каби табаррук шаҳарларимиз ўз алломалари, машҳур дин пешволари, буюк мукаррам зотлари, бетакрор, маҳобатли меъморий ёдгорликлари билан дунёда шуҳрат топиб, жуда кўп юксак мартабали меҳмонларнинг, сайёҳларнинг диққат-эътиборини ўзларига тортиб келади.

Яқинда мамлакатимизга келган хорижий мўътабар дин арбоблари билан Самарқанд ва Бухорога қадам ранжида қилган файзли дамларда гувоҳи бўлганим — бемисл ардоқли диёримизга нисбатан юксак ҳурмат, тарихимизга кўрсатилган эҳтиром, буюк аждодларимизга муносабатдаги беадад иззат ва уларни бугун озод, эркин ҳаётимизга қайтарган мустақилликка, оқилона сиёсат раҳнамоси Юртбошимизга берилган сарбаланд адолатли баҳо ҳайрати билан, сиз азизларни ҳам ошно этмоқчиман.

- Сизнинг диёрингиз шундай бир беназир ўлкаки, бундан уч юз, тўрт юз йил олдин ҳам Самарқандга, Бухорога келган одам, шаҳарга пойафзалини ечиб кирган. Бу муқаддас заминда улуғ азиз-авлиёлар ётибди. Одамлар оёқ кийимида юришга Оллоҳдан уялган, бу табаррук тупроғингизда олиму уламолар кўп, - дея эътироф этишди улар.

Сўнгра бир китобдан шундай ҳужжат - мисол келтирдилар.

- Аббосийлар халифалиги пайтида, Бағдод пойтахт бўлиб, Халифанинг олим ва доно вазири бўлган экан. Халифанинг Бағдодда жуда катта бинода етти хил тилдаги 300 мингдан ортиқ дин ва дунё фанига оид қўлёзма китоблари бўлган. Низомия кутубхонасини ташкил этган. Нима бўладию, шу Низомия кутубхонасига ўт кетиб, битта ҳам китоб қолмай ёниб кетади. Шунда маърифатпарвар подшоҳ йиғлаб туриб, уйимга ўт кетмайдими, мен ёниб кетсам бўлмасмиди, бу китоблар ёнгандан кўра, энди менинг асрим, менинг замонам нима бўлди, энди халқ қаёқдан олади билимни, деб қайғуга ботибди.

Китоблар орасида минг хилдан иборат тафсил, юз жилдлик Ҳадис сақланган экан. Яна бошқа муқаддас, турли фан китоблари бўлган экан. Халифа жуда оғир мотамга тушганда, вазир шундай деган экан:

- Шоҳим, бунча қайғурасиз, Бухоро билан Самарқандга ўт кетмаган-ку, Бухоро билан Самарқандда, Моваруннаҳрда шундай олимлар борки, улар илми билан кутубхонангиз яна тўлади.

- Борми шундай олим, топиладими?

- Бухорода Ибн Хаддод (темирчининг ўғли) деб ном чиқарган, шундай жуда етук олим бор.

Шунда кутубхонани тиклаш ниятида Ибн Хаддодни Бағдодга олиб келишади. Мақсадни айтишади.

- Менга, мингта ёзадиган котиб, икки йил муҳлат беринг, — дейди у.

Икки йилнинг ичида Ибн Хаддод айтиб туради, котиблар ёзади. Икки йилда у кутубхоначиликдан икки баробар кўп китобни ёздириб юборади. Яна ўзиникидай қилиб етти хил тилда ёздиради.

Мана азизлар, қандай юксак билим ва хотира соҳибларига эга бўлган бу диёримиз.

Пайғамбаримиз (САВ) айтган эканлар, Ақл бу қалбдаги бир нур. Ақл - Худонинг энг улуғ неъмати. Ақл бизни одам қилиб юради.

Пайғамбаримиз (САВ)-нинг ҳузурларида бир одамни мақташди, жуда ибодати зўр, жуда яхши одам, деб.

Шунда:

- Ақли қанақа, - дедилар Пайғамбаримиз (САВ).

- Ибодати зўр, хулқи яхши, - дейишди яна.

- Ақлини сўраяпман, - дедилар Пайғамбаримиз (САВ).

- Ҳа, ибодатда бўлганидан кейин, хулқи яхши бўлганидан кейин, бу ақлданмасми?

- Кўп одам ибодат қилади-ку, аммо ақлнинг камлигидан, аҳмоқона ишларни кўп қилиб, ибодатини йўқ қилиб қўяди, бир одамнинг дилига озор берадида, шу билан бор ибодатини йўқ қилади-қўяди. Ёки миннат қилиб юборади-да, қилган садақасини йўққа чиқаради, - дедилар Пайғамбаримиз (САВ).

Шайх Ҳаққоний ёнида юрган муридларига гоҳида шундай тавсия берар экан-ларки, улардан бирини, агар мен айтсам, мени девона бўлиб қилибди, деб кетиб қоласиз. Лекин Ҳазратнинг мурид-лари, нотўғри тавсия берганларида ҳам ёнларига келиб, қўлларини ўпиб, тасаннолар айтишар, хурсанд бўлишар экан. Чунки, улар домлаларининг уларни синаш, ўзига бўлган ихлосини билиш учун шундай қилаётганларини ақл билан топиб олишар экан. Унинг оқиллигига ишонган муридлар, тескари тавсияни ҳам бирон-бир манфаатни кўзлаб айтаётганликларини билишар экан.

Меҳмонлар Чор Бакр мадрасасини кўриб, Баҳоуддин Нақшбанд мақбараларининг ҳар бир поғонасида туриб, айтдиларки, агарда шулар Саудияда бўлганида ваҳҳобийлар ер билан баробар қилиб, текислаб юборишарди. Негаки, Баҳоуддинникими, Чор Бакрникими бу нарсалар, ваҳҳобийлар учун бидъат бўлиб кўринади. Аслида, бу бидъат эмас, бу ота-боболаримизга, ўтганларнинг руҳига бўлган ҳурмат. Улардан мабодо қани азизларнинг қабри, деб сўрасангиз, чуқурларни бориб кўрсатишади. Бўлмаса у ерларда ҳам қанчадан қанча Исломга хизмат қилган буюклар ўтган. Қуръонда инсон улуғланади, мукаррам зот, деб таърифланади.

Коммунистлар ҳам узоқ йиллар динга қарши курашган. Бутун Ислом асарларини йўқотган, кўплаб Ислом обидаларини текислаб юборган. Ҳозирги кунда Чокар Тизза қабристонида 450 та уламо қабри бўлгани аниқланди. Буюк олим Абу Мансур Мотуридий, машҳур фақиҳ, аллома Абуллайс Самарқандий ҳам ўша қабристонга қўйилган эканлар.

Мана мустақиллик шарофати билан Юртбошимиз ўша ердаги қабрларни тиклаттириб, обод этдилар.

«Олимнинг ўлими - оламнинг ўлими» дейилади Ҳадисда. Дин ҳар доим одамларнинг яхши хислатларини кўпайтириб, ёмонларидан халос бўлишга чорлаган.

Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритганидан кейин муқаддас жойларни зиёрат қилиш учун кенг йўл очилди. Бухородаги Калон масжиди, Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи, Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Андижон, Хива, Шаҳрисабз, Термиздаги исломий обидалар таъмирланиб мусулмонларга қайтарилди. Мусулмон оламида энг машҳур Имом Исмоил Бухорий мажмуи қад кўтарди.

Азизлар, Оллоҳ тўғри йўлда боришликка, адашмасдан, ҳар хил оқимларга қўшилмасдан, хато йўлларга кириб қолмасдан, Ўзбекистонимизда барқарор тинчликни, файзу баракани қадрига етиб, бир-биримизни ҳаққимизга дуо қилиб, синовли дунёда, синовдан йиқилмай ўтишликни ҳаммамизга насиб этсин.

ҚАДРТАЛАБ ОТА ва АДОЛАТТАЛАБ ФАРЗАНДЛАР

Одам қадри

Тобим қочиб Сариосиё тумани марказий шифохонасига тушиб қолдим. Палатадошлар билан тез орада дурустгина танишиб ҳам олдим. Палатамиз бир бўлгани билан дардларимиз бошқа-бошқа экан. Чап томондаги тўшакда ётган истараси иссиқ хушмакаллуф отахон билан айниқса қадрдон бўлиб қолдик. Мирзоҳид ота кўпинча ўйчан кўзларини шифтга қадаганча соатлаб жим ётар, баъзан эса 25-30-йилларда содир бўлган қизиқ воқеалар ва босмачиларга қарши олиб борилган курашлар ҳақида, хизматларини эвазига олган мукофотлари, орден ва медаллари ҳақида сўзлаб берар эдилар.

Айтишига қараганда, пенсияга чиққанига ҳам анча йил бўлган. Ҳозир Тошкентда истиқомат қилар экан. Сариосиёга қариндошларини йўқлаб келиб касалхонага тушиб қолибди.

- Ўғлим, - дея бир кун юрагини ёрди Мирзоҳид ота - инсоннинг кўнгли жудаям нозик бўлар экан. Ўйлаб кўрсам, касалхонага тушганимга ҳам бугун роппа-роса бир ой бўлибди. Келган кунларим аҳволим оғир эди. Шифокорларга раҳмат. Оёққа тургизишди, сизларга ҳам раҳмат. Кексалигимни, мусофирлигимни ҳисобга олиб шунча вақтдан бери илиқ сўзларингизни, нону тузларингизни аяганларингиз йўқ. Бироқ булар барибир дилимдаги аламни ювa олмаяпти.

Мирзоҳид ота узоқ жим қолди. Сўнг чуқур хўрсинди-да, гапида давом этди:

- Сариосиёга қариндошларимни йўқлаб келганман, деб ҳаммани алдаб юрибман. Уялганимдан шундай дейман. Бошқа нима ҳам дер эдим? Аслида ўз пушти камаримдан бўлган икки норғул ўғлимни кўргани келганман. Иккаласи ҳам уйли - жойли, болали - чақали. Бири заводда уста, бошқаси бир катта идорада муҳандис бўлиб ишлайди. Келинларимни-ку, қўяверинг, ўғилларим ҳам нохуш кутиб олишди. Кутилмаган муносабат ёмон таъсир қилди шекилли, уч - тўрт кун турмасимдан мазам қочиб, бу ерга келиб қолдим. Шифохонага эса катта ўғлим жойлаб кетган эди. -

Шундан бери хабар олишмадими? - хайратланиб сўрайман.

Мирзоҳид отанинг овози титрар, кўзлари тобора ёшга тўлиб борарди. Ҳамиятим қўзғаб отахондан ўғиллари қаерда ишлашини сўраб, улар билан «яхшилаб» гаплашиб қўймоқчи бўлиб, улар олдига бордим. Минг афсуски, воқеанинг давоми бошқача экан...

Маълум бўлишича, машаққатли ўттизинчи йилларда каттаси энди бешга кирган, кичиги иккига тўлган норасида гўдаклар билан остона ҳатлаб кўчага чиқмаган муштипар хотинини ташлаб кетган экан бу одам.

- Эсимизни танибмизки - дейишди ўғиллар, - бугун оталик даъво қилаётган бу кимсадан на моддий, на маънавий бирон кўмак кўрганимиз йўқ. Аксинча ҳар беш-олти йилда, чамаси янги хотинларидан ҳам мосуво бўлиб ишлари хуржинлашган пайтларида бир-икки ҳафта пайдо бўлар, энди сенлар билан яшайман, деб соддадил, кўнгилчан онамизни лақиллатиб, не-не машаққатлар билан тўплаган арзимас жамғармаларини шип-шийдон қилиб шилиб кетарди. Энди бизлан нафақа ундириш учун судга мурожаат қилибди. Суддагилар масалани чуқурроқ, синчковлик билан ўрганиб, унинг даъвосини ноўрин, деб топишди.

Мана, ҳурматли газетхонлар. Энди ўзингизга хулоса чиқаринг, ким ҳақ? Қадрталаб отами ёки адолатталаб ўғилларми?

Мирзоҳид ота билан хўшлашганимдан кейин ҳам у киши ҳақдаги хотиралар менга кўп вақт тинчлик бермади. Ўйлаб-ўйлаб гоҳ ўғиллар тўғри қилишган деган хулосага келсам, яна отахоннинг эгилган бошини кўз олдимга келтириб, уни кечириш лозим эди, дейман. Тўғри, бундай ҳолатда бирданига қатъий бир хулосага келиш ҳам қийин.

Аннамурод ЖУМАҚУЛИЕВ.

БЎЁҚДА БИТИЛГАН ШЕЪРЛАР...

Ҳайрат

Мусаввир Нодир ШОАБДУРАҲИМОВ ижоди хусусида кўплаб санъатшунослар, соҳа мутахассислари ижобий фикрлар билдирганлар, мусаввир ижодига улардан орттириб баҳо беришимиз маҳол, албатта. Бу ўринда баҳо бериш талаб ҳам этилмайди. Унинг ижоди билан танишган одам бу иқтидор эгасига тасанно айтиши, тан бериши мумкин холос.

Нодир Шоабдураҳимовнинг асарлари билан танишган ҳар бир одам касби ва ёшидан қатъий назар ҳайратга дуч келади, ўзи ёқтирган рангларни илғайди. Унинг асарларидаги теран фалсафий маъно мутахассис бўлмаган одам учун, ҳатто мурғак болакай учун ҳам тушунарли. Мусаввирнинг руҳий ҳолати, ўз ижоди орқали одамларга нималар демоқчи бўлаётгани бошқаларга ўхшамаган ўзига хос усулда, танланган ранглар, қаҳрамонлар ҳаракатида лўнда ва аниқ ифодаланади. Унинг расмларини томоша қилганда киши узоқ йиллар кўрмаган бир қадрдонини учратгандек, болалигига қайтгандек бўлади. Мусаввир асарлари орқали Олий мавжудот - инсонни қандай ҳолатларда кўрганини, унда қандай ҳиссиёт ва туйғулар жунбушини кузатганини унинг ўзига - Инсонга ифодалаб беради. Мусаввирнинг халқимиз урф-одатлари, тарихи, турмуш тарзини ҳурмат билан ифодалаши, расмлардаги шарқона кайфият асар муаллифи кимлигини билмай туриб ҳам рассомнинг шарқ фарзанди эканлигига кишида ишонч уйғотади. Умуман, рассомнинг ҳар бир асарини бу кўҳна дунёга, мавжудотга, азалий қадриятларга, Ҳазрати инсонга бўлган чексиз муҳаббати изҳори дейиш мумкин. Айниқса, рассомнинг Аёлга бўлган ардоғи, мислсиз эҳтироми яққол сезилиб туради. Унинг «Суҳбат», «Тўлқинлар узра юраётган», «Нотаниш аёл», «Куз», «Қиш», «Баҳор» асарларини дунё яралгандан буён Аёллар шаънига айтилган энг ҳаққоний мақтовлар сирасига қўшиш мумкин. Мусаввир Аёл қалби, унинг тилсимотларга тўлиб-тошган ички ва ташқи дунёсида кечаётган жараёнларни англашга уринади ва бунга эришади ҳам. Аёл қалби кечинмаларини, наволарини рассом тириклик чашмасидек қабул қилади ва жамики одамзотни ушбу чашмага гард туширмай туриб баҳраманд бўлишга ундайди.

Унинг «Тинчлик яратувчи», «Қўрқинч», «Мурувватли инсон» асарлари икки қарамақарши куч - Эзгулик ва Ёвузлик ўртасида кечадиган беҳисоб жангларнинг ўзига хос солномасидир. Тирик жон борки, бу икки куч таъсирига тўқнаш келиб яшайди. Борди-ю, Нодир Шоабдураҳимов асарларидан таниш бўласангиз, билинг-ки, ўша дамда Сиз Эзгуликка юзма-юз бўлгансиз. Шунга ҳам ишончингиз комил бўлсинки, Нодир Шоабдураҳмонов ижод қилишда, мўъжиза яратишда давом этаркан, бу тахлит юзлашувларнинг кўпи ҳали олдинда.

Забардаст шоирларимиздан бири Нарзулла Жўраев Нодир Шоабдураҳимов ижоди хусусида шундай фикр билдиради: «У яхшигина шоир. Унинг машқларида айни шу бўёқлар орқали ифодаланган туйғулари барқ уриб туради...» Дарҳақиқат, мусаввир асарлари яхши шеърга ҳам, маромига етказиб куйланган қўшиққа ҳам,

дилрабо куйга ҳам бирдек ўхшаб кетади. Киши қалбига илоҳий ёғдудек сизиб кириди-ю, анчагача ўша қалбни тарк этмай уни нурга тўлдириб туради...

Мавлуда ҚОСИМОВА.

СКАНВОРД



А. ҲАКИМОВ чизган расм.

Илҳом мавжи

ДАЪВАТ

Мусаффо тонгларнинг нияти амал -
Юртимда ўз тилим бўлди мукаммал
Жисмингда мужассам меҳру мурувват,
Авлодлар кўксида оташ муҳаббат.
Башарият сари етаклар очун,
Орзулар ушалар ёзиб қулочин
Дарёларга туташ қалбида оқлик,
Томирингда ҳаё, жўшади поклик.
Шер юрак паҳлавон донолар насли,
Аждодлар мақсади буюкдир асли.
Озурда диллардан кетсин алам, дод
Боши улуғлансин бани одамзод.
Ҳамроҳинг бўлсинлар тенглик ва ҳурлик,
Билиму закода доим топқирлик.
Ўткир нигоҳларинг қирғий кўзидай,
Ол чеҳранг барқ урсин уфқ юзидай.
Теран фикрларинг эзгуликка банд,
Шижоатли қалбинг дилларга пайванд.
Матонат, жасорат, имону даъват,
Тиниб тинчитмасин бурчу садоқат.
Илминг чашмасидан таралсин зиё
Нурларга буркансин бу борлиқ - дунё!

БАҲОР

Асримни қучдинг Баҳор,
Заминга кўчди юлдуз.
Тўшаб гулдан поёндоз,
Юртим этдинг сарафроз.

Қалбда имону амол,
Борлиқ кўрсатур жамол.
Мунаввар айлаб жаҳон,
Чечаклар отмиш хандон.

Бўй чўзар майса, ўтлоқ,
Яна яшнайди қишлоқ.
Қурей-қурей кўй кўзим,
Ризқ улашди Наврўзим.

Кўк сомсаю кўк патир,
Хиди оламга татир.
Баҳорим моҳи малак,
Татиб кўргин сумалак.

Чавандозлар от сурар,
Алпомишлар бахт синар.
Шарт қўйиб Барчинойлар,
Ғолиблар йўлин пойлар.

Дастурхонда кўри-кут,
Деҳқон кўрар тараддут.
Юр, дўстим дала, қирга,
Меҳр қадайлик ерга.

Гулжаҳон АБДУРАҲМОНОВА

ОЛАМ-ТУРФА

АСАЛНИ ҲАМ ЭҲТИЁТ БЎЛИБ ЕЙИШ ЛОЗИМ

Красноярсклик Елена Стельмах асалари чақишидан озор топди, бироқ теварак-атрофда ҳеч қандай ари йўқ эди...

Елена ҳар доимдагидек чойига асал қўшиб ичаётган эди. Дам ўтмай у оғзида ачишиш пайқади. Шундан кейин эса оғриқ зўрайди, томоғи шишиб қизариб кетгач, у дўхтирга боришга мажбур бўлди. Участка врачи Еленанинг оғзидан «халтача»си заҳарга тўлган ари нишини суғуриб олди. Кўринишидан қандайдир йўл билан асалнинг ичига тушиб қолган асалари найзаси вақти келиб ўз «ишини» кўрсатган.

КАМПИР «ЙЎЛИГА ҒОВ» БЎЛДИ

Кишиневда болалар боғчаларига ўғри оралабди, деган миш-миш тарқалди.

Айтишларича, фирибгар ўғри болалар муассасаларига фотоаппарат билан кириб жуда арзон нархларда суратга туширишни таклиф этар экан. Плёнкаларни аямай суратга тушириш асносида у қайси шкафларда болаларнинг қимматбаҳо кийим-бошлари борлигини аниқлаб олади ва бироздан кейин кимга қанча сурат кераклигини аниқлаш баҳонасида хоналарга кириб чиқар эди. Одамлар бунга кўникиб қолган эдилар. Кунларнинг бирида у группаларга кириб мўлжаллаган нарсаларини ўмариб кетар экан. Табиийки, ҳамиша кулиб турадиган бу суратчи амакидан то қўлга тушмагунича ҳеч кимса гумонсирамаган эди.

Неварасини олиб кетиш учун бевақт келган кампирни тумбочкаларини кавлаётган Григорий сезмай қолди. Кампир уни «йўлига ғов» бўлди. Буви ҳушёрлик қилмаганда суратқаш ўғри яна кишиларни қон-қақшатган бўларди.

МАЙМУН - УЙ ХИЗМАТКОРИ

Одамлар азал-азалдан турли ҳайвонларни қўлга ўргатиб, уларни зиммасига у бу ишларни бажаришни юклаганлар.

Бу ўринда санитар итларнини ёки хат ташувчи каптарларними эсласак кифоя. Ҳозирги кунда баъзи америкаликларнинг уйларида маймундан уй хизматкори ўрнида фойдаланиш урф бўлмоқда. Бироқ одамсифат бу ҳайвонлар узоқ йиллар давомида қаттиққўллик билан мунтазам машқ қилиш орқасидагина бу вазифани бажаришга қўйиладилар. Маймунларни ўқитиш жараёнида уларга турли электр асбобларидан фойдаланиш, компьютерда баъзи бир операцияларни бажариш, ўрин солиш ва йиғиш, идиш-товоқларни ювиш ва шунга ўхшаш юмушларни бажариш ўргатилади.

Маймун ўргатувчи репититорларни бу ҳайвонлар ўзларига буюрилган вазифани тез илғаб чаққонлик билан бажаришлари ҳайратга солади.

МЎЛЖАЛ УЧ СОАТДА ОЛТИ БАНК

Мюнхен полицияси уч соат ичида олтита банкни ўмаришни мўлжаллаган аёлни қўлга туширди. «Ассошитед пресс» агентлиги маълумотларига кўра бу операцияда юзлаб полиция ходимлари иштирок этган.

33 ёшли ушбу жиноятчи аёл шаҳарнинг қоқ марказига жойлашган тўртта банкдан 4975 долларни ўмаришгагина улгурди холос. Пистолет билан қуролланган бўлишига қарамай кейинги банкларда мақсадига эриша олмади. Қора плашга ўралган бу ўғрини полициячилар таъқиб қилиб келаётган бўлсалар ҳам уни бир қанча вақтга назардан қочириб қўйдилар, чунки у одамлар тўдаси ичига ўзини урган эди. Бироқ полициячилар доғда қолишмади. Полициячиларнинг гапларига қараганда улар шу чоққача бундай дадил босқинчига дуч келишмаган экан.

MAHALLA га обуна бўлиш учун ҳеч қачон эрта ҳам, кеч ҳам деб ўйламанг.

MAHALLA

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Шуҳрат ЖАЛИЛОВ
Иброҳим РАҲИМ
Расул РАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Рустам ҚОСИМОВ

Масъул котиб:
Аслиддин БЎРИЕВ

Навбатчи:
Олим БЕГАЛИЕВ

Сахифаловчилар:
А. ЮЛДАШЕВ
Д. БЕКМУРОДОВА

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-1037

Топширилди—20.30